

**«Хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлари ҳамда
имкониятлари кафолатлари тўғрисида»ги
Ўзбекистон Республикаси Қонуни тарғиботи юзасидан амалга
оширилган ишлар тўғрисида**

2024 йил давомида «Хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлари имкониятлари кафолатлари тўғрисида Қонуни мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича:

1. Марказ, тиббиёт техникумлари, ТТА кафедраларида, мактаб ва маҳалларда **14 та** тарғибот тадбирлари ўтказилди.
2. Радио ва Телевиденияда **18** мартаба чиқишлар қилинди.
3. Республика ҳудудларида скрининг текширувлар олиб борилди, олис қишлоқларда уйма-уй юриб **10 мингдан** ортиқ беморлар кўриқдан ўтказилиб, керакли маслаҳатлар берилди.
4. Бунда оддий тилда қонунчиликни тушунтиришга эътибор қаратилиб, буклет, флаер ва плакатлар шаклида аҳолига **тарқатилди**.

Ўтказилган тадбирларда аёллар ва эркакларнинг гендер камситилишига йўл қўймаслик, жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида аёллар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқлар ва имкониятларни таъминлаш, гендер тенглик, жинсий белгиси бўйича камситиш тушунчаси ва турлари, ваколатли органларнинг вазифалари ва функциялари, давлат бошқарувида иштирок этишда, ишга қабул қилишда, кредитлар олишда ва тадбиркорлик билан шуғулланишда гендер тенгликни таъминлаш бўйича нормалар, гендер тенглик бузилишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар, шунингдек бунга олиб келадиган қилмишлар содир этганлик учун жавобгарлик юзасидан тушунтиришлар берилди.

Марказда давлат хизмати соҳасида аёллар ва эркакларнинг тенг иштирокини, давлат хизматида лавозим эгаллаш учун танловда тенг иштирокини таъминлаш, сайлов ҳуқуқини амалга оширишда, маърифат, таълим, фан ва маданият ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида, иқтисодий соҳада ва тадбиркорлик фаолиятида, меҳнат мажбуриятларини ва оилавий мажбуриятларни бирга бажаришда, ижтимоий ҳимоя соҳасида уларнинг тенглигини таъминлаш масалалари кенг муҳокама қилинди.

Ходимларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида учрашувлар ташкил этилди.

2024 йилда раҳбарият томонидан бевосита ҳудудларга чиққан ҳолда ўтказилган **50дан ортиқ** сайёр қабуллар жараёнида жами **210** нафар жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилинди.

2024 йил 22 ноябрь куни «Гендер зўравонлик» мавзусида Тошкент шаҳар Олмазор тумани ички ишлар органларини мувофиқлаштириш бўлими ходимлари билан биргаликда анжуман ўтказилди.

Марказ директори, профессор



И.С.Разикова